



The project is funded
by European Union

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (ССП)
Ўқув марказлари тармоғини (ЎМТ) яратиш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1. Сўз боши

Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан молиялаштирилган ва 2014-2016 йиллар давомида амалга ошириладиган “Management Training Programme (MTP) – Capacity Building for SME Management in Uzbekistan” яъни “Бошқарув Кадрларни Тайёрлаш” лойиҳаси ривожланаётган иқтисод эҳтиёжларини қондириш ва инсон ресурсларини ривожланишига туртки бериш мақсадида Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг менежерларини билим ва малакаларини оширишга қаратилган мустақам базани яратиш борасида қатор тадбирларни амалга оширди.

Натижада мамлакатнинг 5 минтақасида (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Сурхандарё вилоятлари) 5 ўқув маркази (ЎМ) ташкил этилди. 2014 йилда танлов асосида сараланган тренерлар икки босқичли “Train Trainers”, яъни “Тренерларни ўқитиш” дастури доирасида умумий ва ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича тахсил олдилар ва улардан 14 нафари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (ССП) ва МТР лойиҳасининг тегишли сертификатлари билан тақдирланди.

Мазкур дастур доирасида иштирок этган тренерлар томонидан лойиҳа экспертлари кўмагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг менежерлари ва бошқарувчилари учун 16 та мавзудаги семинарларнинг ўқув дастур ва модуллари ишлаб чиқишди.

2016 йил давомида ССП ҳузуридаги ўқув марказлари томонидан МТР лойиҳаси кўмагида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарлари ва хусусий тадбиркорларига мўлжалланган ва уларнинг фаолиятларини ривожлантириш учун зарур ва фойдали бўлган билимларни эгаллаш имконини берувчи пилот семинарларини ўтказиш режлаштиримоқда. Мазкур семинарларнинг ўқув дастурлари ва модуллари, ўқув марказларнинг келгусидаги фаолиятини ривожлантириш учун тайёр ўқув платформаси сифатида хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

Ўз фаолияти давомида ўқув марказлари вакиллари томонидан тадбиркорларни ўқитиш бўйича орттирилган янги тажрибани умумлаштириш ва уни халқаро стандартлар даражасига чиқариш имконини яратувчи Ўқув марказлари тармоғи (ЎМТ)ни яратиш масаласини муҳокама қилинди ва бу ғояни маъқулланди.

Савдо-саноат палатаси қошидаги танлаб олинган ўқув марказларидан ташқари ЎМТга Ўзбекистон “Тадбиркор аёл” уюшмаси (ЎзТАУ), Ўзбекистон менежерлари уюшмаси (ЎМУ), “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури) каби аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватловчи жамоат бирлашмалари ва бошқа халқаро ташкилотларни кириш истакларини билдирдилар.

2. Миссия ва вазифалар

ЎМТ миссияси - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вакилларида ўз бизнесларини замонавий шаклда бошқариш ва инновацион фаолият юритиш учун лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга кўмаклашиш иборат.

ЎМТнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:



The project is funded
by European Union

- Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган бизнес тренингларни ташкиллаштириш бўйича замонавий ёндашувни шакллантириш ва ривожлантириш;
- Таълимга оид сифат назоратининг замонавий услубларини таъминлаш;
- бизнес тренингларни ташкиллаштириш соҳасидаги янги ва замонавий ғоялар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, такомиллаштириш ва ва тақдим этиш.

Ўқув марказлари тармоғи қуйидагиларга интилади:

- ЎМТ аъзолари ва манфаатдор томонларнинг билимлар базасини ахборот-коммуникация платформаларини шакллантириш ва аъзолар ўртасида ўзаро ахборот алмашувини таъминлашга;
- Бизнес тренингларни замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича тегишли маълумотларни, тарқатма материалларни, бизнес тренингларга оид методология (восита)ларни, потенциал мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини, кооперация ва ҳамкорлик қилиш учун малакали бизнес-тренерлар ва етакчи мутахассисларни, Ўзбекистонда ва хорижда ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ахборот базалари ва бошқаларни шакллантириш ва ривожлантиришга;
- Хорижий ҳамкорлар, таълим муассасалари ва соҳа мутахассислари ўртасида ҳамкорликни, шу жумладан халқаро грантларга эълон қилинган тендерларда иштирок этишни (техник кўмак ва молиявий грантлар) ни рағбатлантиришга;
- Профессional тадбирлар (семинарлар, анжуманлар, доира столлари, илмий симпозиумлар, тақдимотлар в ҳ.з.) ни ташкил этиш ва ўтказишга;
- Зарурат туғилган ҳолатларда ахборот-маслаҳат ёрдамларини кўрсатишга (ЎМТ аъзолари ва тадбиркорлар учун);
- Бизнес семинарларини ташкил этиш соҳасидаги маҳаллий ва хорижий илғор тажрибани ёйишга

1. Бошланғич қадамлари

Танлаб олинган ўқув марказларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари билан ўтказилган учрашувларда, ўқув марказлари таълим бериш фаолияти ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олганларидан сўнг, ЎМТни тузиш учун ўқув марказлари ўртасида расмий келишув тузиш йўли билан, қонунийлаштириш таклифи келиб тушди.

Бундай расмий чора ЎМТ аъзолари орасидаги ҳамкорликка туртки беради ва Ўзбекистонда бизнес семинарларни тақдим этиш бозорини ривожлантиришга таъсир қилади.

2016 йил март ойидан август ойига қадар қуйидагилар амалга оширилади:

1) МТР лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларга (Ўқув марказлари бўйича қўлланма, Салоҳият эҳтиёжларини баҳолаш ва бошқалар) таянган ҳолда ЎМТнинг стратегик режаси ва амалда бўлган фаолият тамоиллари белгилловчи концепциясини муҳокама қилинади ва янада такомиллаштирилади. Ишчи гуруҳларнинг маълумотлари ва қарорларига таянган ҳолда ЕИ лойиҳаси эксперти бошчилигида ва назорати остида ЎМТнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланади.

2) ЎМТнинг 2016-2017 йилларга мўлжалланган фаолият режаси ишлаб чиқилади.



The project is funded
by European Union

**Management Training Programme (MTP) –
Capacity Building for SME Management in
Uzbekistan**



EuropeAid/131983/C/SER/UZ

3) ЎМТнинг Интернетдаги саҳифаларини (веб-блоглар, Facebook саҳифаси) ишлаб чиқилади ва йўлга қўйилади, кейинги босқичда ЕИ лойиҳаси кўмагида (контракт бўйича ҳамкор томонидан маъқулланса) веб саҳифани ишлаб чиқилади ва очилади.